



Азиз ва ягонамансан, жонажон Ўзбекистоним!

МУНОСАБАТ ОЛОВ АСЛО ЎЧМАЙДИ



Бобур ЭЛМУРДОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси:

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев 10 август куни пойтахтда қурилатган бир қатор иншоотлар, кўприklar, боғча-ю шифохоналар, Ёзувчилар уюшмаси аъзоларига атаб барпо этилаётган кўп қаватли уйлар билан танишар экан, ижод аҳли билан ҳам суҳбатлашди.

Мен телевидение орқали мамлакатимиз раҳбарининг хориж давлатлари бўйлаб қилган сафарларида тузилган битимларни синчиклаб кузатаман. Қизиқиб сабаб, Президент билан учрашган ёшлар, ҳарбий хизматчилар ва бошқа кўплаб соҳа вакиллари билан ҳам суҳбат қурдим. Бу галги учрашув, ундаги фикрлар, талаб ва таклифлар менда ўзгача таассурот қолдирди. Бир давлатга йўл очиб, шартнома тузиш, иш ўрни яратиш... бу телевизорда кўрганимдек осон юмуш эмас экан.

Бунинг нақадар машаққатли иш эканини суҳбат жараёнида англадим. Негадир ҳаётимда бир воқеа айланаверди, айланаверди. Президентимиз шу йил Олмасор туманига ташрифи чоғида Ўзбекистон қарлар жамиятининг Кар-соқовлар маданият марказида бўлиб, Қарлар жамиятининг уч нафар аъзосига Тошкент шаҳридан уй совға қилган эди. Уй соҳиблари орасида танишим Сирожиiddин ҳам борлиги учун уни йўқлаб бориб, узок суҳбатлашдим. Ўшанда Сирожиiddин уй қалитини олаётди, Президентга Англияда бўлиб ўтаётган жонхон чемпионатида голиб бўлишни ваъда қилган эди. Бунга қарангки, у сўзининг устидан чиқди. Мусобақада рақибларига имконият қолдирмади. У заиф ёшитувчилар ўртасида бўлган шохмот Олимпиадасида олтин медални қўлга киритди.

Ёзувчилар учун қурилган уйлар қаршисидаги суҳбат жараёнида, негадир ўзимни Сирожиiddинга ўхшатдим. Бу муҳташам уйларда яшайдиган ҳар бир ижодкор аввало халқ олдида қарздор эканини ҳис қилдим. Эртами, кечми биз ҳам миллат эгаларининг тафаккури, шуурини бойтадиган ижод намуналарини яратиб, бу қарзни узишимиз керак, деб ўйладим. Аслидаки, адабиётни тақдир сананган ижодкор ҳеч бир рағбатсиз ҳам халқ олдида қарздорлиги рост. Аммо шунча эътибор ва эҳтиромнинг масъулияти янада залворли.

Нега мен халқни маънавиятли бўлишини хоҳлайман, чунки ҳеч бир ривожланган давлатни маънавиятсизлик устига қуриб бўлмайди. Сизлардан илтимос ва талаб, бўш асар ёзмаглар, китобни макеини кўтаришга, халқимизни, болаларимизни маънавиятли қилишга кўмаклашинлар...

Президентимизни ушбу сўзларини эшитганимда очиги титраб кетдим. Устозларимиз академик Наим Каримов, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Иброҳим Ғафуровлар билдирилган катта ишонч ва ҳурмат учун миннатдорлик билдирар экан, бу буюк халқ олдида ҳар бир ижодкор бурчли эканини таъкидлади. — Мен неча замонлардан бери асар тарқимасига қўл урولмай келаётган эдим, — деди Иброҳим Ғафуров. — Сиздаги жўшқинлик, чорлов менга куч бағишлади ва ўша руҳ билан Достоевскийнинг «Ака-ука Карамазовлар» романини ниҳоясига етказиш арафасида турарим. Бунинг учун сизга раҳмат...

«Ёш китобхон» танлови ҳам кўпчилик ёшларга китоб ўқитгани рост. Бунга берилган рағбатдан ҳам билсак бўлади. Президентимиз «Мен ёшларнинг китоб ўқишлари учун керак бўлса 20 та машина совға қилишга тайёрман» деганларида, негадир уялиб кетдим. Ахир китобни одам ўзи учун ўқийди-ку. Китоб табиий эҳтиёж-ку, нахотки ҳамма бирор рағбат учун ўқиса, деган аччиқ ўй ўтди.

Тушундимки, сўз аҳли ҳеч бир топшириқсиз, манфаатсиз ёнавериши керак. Мен шу учрашувдан бир олов олгандай бўлдим. Ишонаманки, уни асло ўчирмайман.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 27 йиллиги олдида

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Ягонамансан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б.Сайфуллаев юртимизни улғулаш, ёшларни ватанпарварлик, юрт тақдирига дахлдорлик туйғусида тарбиялашда ижодкорлар зиммасида ғоят улкан масъулият бор эканини таъкидлади.



Жорий йил ўнинчи марта ўтказилаётган мазкур кўрик-танлов Ватанимизни шарафловчи энг яхши кўшиқларни саралаш имконини бераётгани билан аҳамиятлидир. Бу йилги танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, туман, шаҳар, вилоятлар босқичларида 32 минг 600 нафардан ортиқ ижрочи ўз кўшиқлари билан иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрамига

тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ санъат байрами «Азиз ва ягонамансан, жонажон Ўзбекистоним!» шiori остида ўтказилди. Танловда Мудофаа, Ички ишлар, Маданият, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси томонидан кўплаб янги кўшиқлар тақдим этилди.

Ҳакамлар ҳайъати раиси, композитор Аваз Мансуровнинг таъкидлашича, бугунги кунда турли тантаналар, давраларда баралла янграётган «Юрт ишида ёнаман», «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!», «Улугимсан, Ватаним!» каби халқимизнинг сеvimли кўшиқлари ҳам «Ўзбекистон Ватаним — маним», «Ўзбекистон кўшиқ байрами» каби ижодий лойиҳалар самарасида яратилган.

— Сўз ва мусика — кўшиқнинг икки қаноти, — дейди шоира Фарида Афрўз. — Шу қанотлар мустаҳкам бўлганидагина пухта, тингловчи қалбидан ўрин оладиган кўшиқ яратилади.

Анъанага кўра, «Ягонамансан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг мамлакат босқичи голиб ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинади.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

ЎЗХДП ДЕПУТАТЛАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН СЕССИЯГА МАСАЛА КИРИТИЛДИ

ДЕПУТАТ НАЗОРАТИ

ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим ўрин тутати

Жорий йилнинг 4 июль куни Президентимиз томонидан ўтказилган видеоселектр ййгилишида ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлаш, улар учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар сўст экани таъкидланиб, бу борада эътибор қаратилиши лозим бўлган долзарб вазифалар белгилаб берилган эди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан давлатимиз раҳбари билдирган танқидий фикрлардан келиб чиқиб, стратегия ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этила бошланди. Унда ёшларнинг муаммоларини ўрганиш, бандлигини таъминлаш, чет элга чиқиб кетиш

сабабларини аниқлаш каби масалалар қамраб олинган. Айниқса, уюшмаган ёшлар билан индивидуал шугулланиш, уларни ўзи қизиққан касбга йўналтириш, ёт гоьлар таъсирига тушиб қолаётганлар ўртасида тарғибот ишларини кучайтириш вазифалари белгиланган. Ёшлар-

нинг бизнес ташаббуси ҳамда лойиҳаларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар ва бизнес юритиш кўникмаларига ўқитиш ҳам стратегиядан ўрин олган.

Мазкур вазифалар ижроси юзасидан яқинда ЎЗХДП Марказий Кенгаши ва Жиззах шаҳар кенгаши ҳамда депутатлик гуруҳи аъзоларидан иборат ишчи гуруҳи хонадонма-хонадон юриб, ёшларнинг муаммоларини ўрганди. Унда аниқланган муаммолар халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи ййгилишида кўриб чиқилиб, масала доимий комиссия кун тартибига киритилди. Комиссия қарори билан шаҳар Кенгаши сессиясига масала киритилди.

Сессия ишида халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзолари ёшлар бўйича амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар хусусида батафсил маълумот берди. «Иттифоқ», «Заргарлик», «Бобур» ва «Тошлоқ» маҳалларида амалга оширилаётган ишларни танқидий-таҳлилий ўрганиш аяқунлари сессия қатнашчилари эътиборига ҳавола этилди.

► Давоми 2-бетда.



ҚАДИМ ШАҲРИСАБЗ ДУНЁ МАҚОМЧИЛАРИНИ ЧОРЛАМОҚДА

Жорий йил 6-10 сентябрь кунлари бу ерда илк бор халқаро мақом санъати анжумани ўтказилади.

3

БУНЁДКОРЛИК


ФУТБОЛ МАЙДОНЧАСИ ҚУРИЛДИ

Олтинсой туманининг «Хайрондара» маҳалласида истиқомат қилувчи Жўрабек Менгноров ташаббуси билан яқинда суний қопламали футбол майдончаси фойдаланишга топширилди.


— Кўпдан буён маҳаллаимиз ёшлари учун футбол майдончаси қуриб беришни ният қилгандим, — дейди ЎЗХДП аъзоси Жўрабек Менгноров. — Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллиги арафасида орзуим ушалди.

— Туман марказидан қарийб 25 километр олисда жойлашган ҳудудда 5 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди меҳнат фахрийси Боймурод Норбоев. — Маҳалладошимиз қисқа даврда новвойхона, гўзаллик саломи, тикувчилик цехи, саотарошхона бунёд этди. 10 нафар йигит-қизни иш билан таъминлади. Ораимизда шундай инсонлар кўпаяверсин.

Абдумалик ХАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



● Бунёдкор ва Чўпонота кўчалари кесиммасида қурилган замонавий кўприкнинг умумий узунлиги 667,5 метр, эстакада қисми 488,5 метр бўлиб, баландлиги 8 метр, кенглиги 24,5 метр. Кўприкда автомобиллар 6 қаторда ҳаракатланади. Шунингдек, 124 метрлик иккита пйедалар ўтиш кўприги қурилди. Ногирон ва кексаларга қулайлик яратиш мақсадида лифт ва эскалатор ўрнатилди.



● Шайхонтоҳур туманида айна пайтда 185 тўқимачилик саноати корхонаси фаолият юритмоқда. 2018-2019 йилларда туманда бу йўналишда яна 8 та лойиҳани амалга ошириш ва 1330 дан ортиқ иш ўрни яратиш режалаштирилган.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2018 йил 14 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

1 АҚШ
доллари
7790,20

1 Англия фунт
стерлинги
9945,75

1 Жанубий
Корея вони
6,90

1 Канада
доллари
5927,26

1 Швейцария
франки
7827,77

1 Миср фунти
436,55

1 ЕВРО
8888,62

1 Россия
рубл
115,07

1 Япония
иенаси
70,23

1 Хитой
юани
1137,95

1 БАА дирҳами
2121,05

1 Австралия
доллари
5687,63

«БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ»



масъулияти чекланган жамияти жамоаси

**БАРЧА ЮРДОШЛАРИМИЗНИ АЗИЗ ВА
ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 27 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ
БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ!**



РЕКЛАМА ЎРНИДА



Махсулотлар сертификатланган.

СОЯ ЕТИШТИРИШ КАТТА ДАРОМАД КЕЛТИРАДИ

Соя донининг таркибида 50 фоиз оқсил ва 28 фоиздан ортиқ мой бўлиб, ундан 400 хилдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилади. Соя дони озик-овқат саноатини ривожлантириш учун жуда муҳим хомашёдир. Шу билан бирга унинг донидан олинадиган маҳсулотлар саноатда, тиббиётда жуда катта аҳамиятга эга. Чорвачиликда, паррандачиликда соя мойи, соя шроти, соя пояси жуда самарали озук ҳисобланади. 100 килограмм соя донидан 138 озук бирлиги, қуруқ, поясининг 100 килограммида эса 52 озук бирлиги мавжуд. Шунингдек, ёғ-мой корхоналарининг тўлиқ қувватда ишлаши учун соячиликни ривожлантириш катта аҳамиятга молик.

Шунинг учун соя майдонларини кўпайтириш, соя дони етиштириш-ни ривожлантириш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада соя етиштириш ҳажмларини янада кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Бухоро вилояти ҳокимлиги ва «Ўзпахтаёғ» АЖ томонидан тегишли қарорлар қабул қилинган.

Ушбу қарорлар асосида «Евро-снар» МЧЖ томонидан вилоятнинг 7 та туманида 803,1 гектар май-

донга асосий экин сифатида соя экилган. Жумладан, Олот туманида 52,5 гектар, Қорақўлда 50 гектар, Жондорда 180,6 гектар, Вобкентда 20,2 гектар, Бухоро туманида 2,1 гектар майдонга соя экилган ва агротехник талаблар асосида парвариш қилинмоқда. Экилган майдонлардан 1252 тоннадан ортиқ ҳосил олиш мўлжалланмоқда. «Ўзпахтаёғ» топшириғига кўра фермер хўжаликларини уруғлик, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар билан таъминлаш учун 1089,85 миллион сўм бўнак маблағлари етказиб берилди. Кор-

хона томонидан ҳар бир фермер хўжалигига вакиллар бириктирилган. Амалга оширилган ишлар тўлиқ назоратга олинган ва мониторинг юритилмоқда. Ҳозирги кунда далаalarda етарли ҳосил етиштирилган бўлиб, эндиги вазифа уни йиғиштириб олишдир.

Мўлжалдаги 1252 тонна соя донидан 275 тонна соя ёғи ва 900 тонна юқори оқсилли соя шроти ишлаб чиқарилади. Уруғлик ва талаб этиладиган 1089,85 миллион сўмлик бўнак маблағлар «Евроснар» МЧЖ томонидан қопланади. Бирламчи ҳисоб-китобларга асосан 1 тонна соя донининг сотиб олиш нархи 4 миллион сўмни ташкил қилади. 1 тонна соя донини етиштириш харажатлари 3,1 миллион сўмни ташкил этиб, рентабеллик даражаси 29 фоизга етади. 1 тонна сояни етиштириш натижасида 900,0 минг сўм соф даромад фермер хўжалиги ихтиёрида қолади.

Ҳалим САФАРОВ,
«Евроснар» масъулияти
чекланган жамияти директори.

ЗАВОД «KRANTAS»

Производит и реализует под заказ:



- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- Комбинированные поливочные машины — 4, 8 м³.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвалный, бортовой, контейнеровоз.

Товары сертифицированы.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

ДИККАТ!

«Махсус тажриба автокорхонаси» МЧЖ таъсисчисининг 2018 йил 2 июндаги 1-сонли қарорига асосан, собиқ «Махсус тажриба автокорхонаси» АЖ (3-таксопарк, ЭПАП) акциядорларининг

акциялари бўйича тўловлар оширилиши бошланишини маълум қиламиз. Тўловлар амалга ошириш муддати: 3 ой. Акциялар бўйича тўловларни амалга

ошириш муддати: 3 ой (15.08.2018й. — 14.11.2018й.).

Кўшимча маълумот олиш учун телефон рақамлари: 290-70-69, 292-23-43

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55.

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 838. 6754 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220.

O'zA yakuni — 23:55.

Topshirilgan vaqti — 00:10

Sotuvda kelishilgan narxda

Nabatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон саифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 5 6